

Зўравонлик, ҳаддан ошиш



15:03 / 12.11.2018 4463

Аллоҳ таоло дейди:

«Инсонларга зулм қиладиган ва ерда ноҳақ зўравонлик - кибру ҳаво қиладиган кимсаларнинг - ана ўшаларнинг жазоси аламли азобдир»
(Шўро сураси, 42-оят).

Яъни, инсонларга зулм қиладиган тажовузкорлар, одамларнинг жонларию, молларига зуғум ўтказадиган зўравонларнинг жазоси аламли азобдир.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки: **«Аллоҳ таоло менга тавозеъли бўлишингизни ваҳий қилди. Токи бир одам бошқасига зўравонлик қилмасин, бир одам бошқасидан ўзини устун қўймасин»**
(Муслим ривояти).

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: **«Аллоҳ гуноҳ қилган кимсага ҳам бу дунёда жазо бериб, ҳам охиратга насиба - азоб ҳозирлаб қўйиши учун зўравонлик ва қариндош-уруғчилик алоқаларини узишдан кўра лойиқроқ гуноҳ йўқ»** (Ибн Можа, Термизий, Ҳаким ривояти).

Асарларда келганки, агар бир тоғ бошқа тоққа зўравонлик қилса, Аллоҳ ўша зўравон тоғни майда-майда қилиб юборади.

Қорун ҳам қавмига зўравонлик қилгани учун Аллоҳ уни ерга юттириб ташлади. Аллоҳ таоло у ҳақда шундай хабар қилган:

«Албатта, Қорун ўзи Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавмдошларига) кибр ҳаво қилди... Бас, Биз (Қорунни) ҳам, унинг ҳовли-жойини ҳам Ерга юттирдик» (Қасос сураси, 76–81-оятлар).

Ибн Жавзий айтганларки, Қоруннинг ҳаддан ошиши борасида бир қанча қарашлар бор:

1. У бир фоҳишага Мусо алайҳиссаломга тухмат қилгин, номини бадном этгин, деб пул беради. У шундай қилади. Мусо алайҳиссалом ундан айтган гапига қасам ичишини талаб этади. У Қорун билан ўртасида бўлиб ўтган гап-сўзни хабар қилади. Қорун шундай қилиб ҳаддидан ошган. Бу гап Ибн Аббоснинг фикри.

2. У Аллоҳ азза ва жаллага куфр келтириб ҳаддидан ошган. Заҳҳок шундай деган.

3. Кибр қилиб ҳаддидан ошган. Бу Қатоданинг фикри.

4. Кийимларини бир қарич узун қилиб судраб юрган. Ато Хуросоний шундай деган.

5. У Фиръавннинг ходими бўлган ва Бани Ал-Исроилга зулм ва тажовуз қилган. Мовардий шу фикрни билдирган.

«Бас, Биз ўзини ҳам, ҳовли жойини ҳам (ерга) юттирдик» ояти каримасининг шарҳида шундай дейилади: «Қорун фоҳишани Мусо алайҳиссаломга тухмат қилишга буюргач, Мусо алайҳиссалом дарғазаб бўлдилар ва Қорунни дуоибад қилдилар. Шунда Аллоҳ таоло: «Мен ерга сенга итоат этишни буюрдим. Бас, унга буюр», деб ваҳий қилди. Мусо алайҳиссалом: «Эй ер, уни ют», деди. Ер уни ютиб юборди. Қорун бунга кўргач, Мусо алайҳиссаломдан раҳм қилишни ўтиниб, ёлвора бошлади. У

зот: «Ей ер, уни ют», деган эди, оёқларини ютиб юборди. Мусо алайҳиссалом Қорунни бутунлай ютиб юборгунигача, «уни ютгин», деб буюраверди. Шунда Аллоҳ таоло у зотга ваҳий қилди: «Эй Мусо, иззатим ва улуғлигимга қасамки, агар Мендан ёрдам сўраганида, унга нажот берардим».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо айтдиларки, ер уни қаъри ютиб юборди.

Самура ибн Жундуб розияллоҳу анҳу айтдиларки, у туну кун бўйи баробар ер тагигача кириб кетаверди.

Муқотил айтганларки, Қорун ҳалок бўлгач, Бани Исроил: «Мусо унинг ҳовлиси ва ҳисоб-китобини ўзиники қилиб олиш учун ҳалок этди», деб гап тарқатди. Аллоҳ унинг ҳовлиси-ю, мол-дунёсини ҳам ерга юттириб юборди.

«Сўнг унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирон жамоат бўлмади ва унинг ўзи ҳам ғолиблардан бўлмади» (Қасос сураси, 81-оят).

Яъни, ҳеч ким уни Аллоҳнинг балосидан қутқаролмади.

Парвардигоро, гуноҳларимиз зулматини маърифат ва ҳидоятнинг нури ила нурафшон эт. Бизни Ўзинг иқбол этган, Сендан бошқаларга юз бурмайдиган бандаларингдан айла. Бизни, ота-онамизни ва барча мўминларни мағфират қил. Омийн.

“Гуноҳи кабиралар” китобидан